Сўз бирикмаларида концептуал деривацияси жараёнининг кечиши

Бобоева Мадина Хайдаровна
Ўзбекистон Миллий университети
Хорижий тил ва адабиёти кафедраси изланувчиси
Boboyeva-madina@mail.ru


Аннотатция: Сўз бирикмаларилари тизимида юзага келадиган деривацион жараёнларга оид ҳодисаларни концептуал деривация доирасида таҳлил қилинди.Зотан,концептуал идроксиз деривация ҳаракатининг фаоллашуви ҳамда янги номинатив бирликнинг юзага келишини тасаввур қилиб бўлмайди.
Калит сўзлар: Концептуал, метафора, метонимия, окказионал, денотатив, концептуал деривация.

СБлари деривацияси жараёнида “концептуал метафора ва метонимия” амаллари фаоллашуви ушбу жараён кечишининг маълум шароитлари, уни ҳаракатга келтирувчи механизмларнинг ички ва ташқи манбалари билан боғлиқ. Бундай когнитив амалларнинг таъсири, айниқса, нутқий фаолият жараёнида фавқулодда ҳосил бўладиган СБ концептуал структурасининг шаклланишида яққол кўринади. Жумладан: – *She had taken her hat off and her hair shone under the light* (E.Hemingway. 2020); – *When she cried her whole face went to pieces* (E.Hemingway. 2020); – *У чиллакдек ингичка, титроқ бармоқлари билан яна гуруч теришга тушди* (Ў.Ҳошимов. 2012); – *Элак тапиллайди. Тагидан ун ёғилади. Аммамнинг ичидаги “одамчалар” ҳуштак чалади* (Ў.Ҳошимов. 2012) нутқий актларида ижод қилинган *hair shone, whole face went to pieces, чиллакдек ингичка, титроқ бармоқлар, ун ёғилади, аммамнинг ичидаги “одамчалар”*окказионал СБларининг деривацияси концептуал метафоралаштириш босқичини босиб ўтганлиги равшан бўлади. Бу босқичда ўзаро бирикаётган концептлар бошқа бир концепт билан қиёсланади ва уларнинг хусусиятлари бир бирига кўчади.

Концептлар хусусиятларининг биринчисидан иккинчисига кўчишини, айниқса, термин СБлари деривациясида яққол кўрамиз. Масалан, медицина атамалари қаторига кирадиган СБлари концептуал структураларини шакллантирувчи механизмларнинг метафора майдонидаги ҳаракатини кузатайлик. Бу соҳа терминлари системасида мавжуд бўлган баъзи СБларини олсак, деривация жараёнида жонзотларга хос бўлган хусусиятларнинг бошқа концептуал доирага кўчирилаётганлигини кўрамиз. Масалан, *alligator forcepts, bulldog forcepts* СБлари орқали медицина қисқичининг вазифаси тимсоҳ ёки итнинг тишига тенглаштирилмоқда. “*Man flu”* бирикмаси деривациясида эса концепт хусусиятлари силжиши бир оз бошқачароқ тус олади. Ушбу бирикманинг: – *Has Jim taken another day off*? – *I bet he is suffering from man flu* (BDNE. 1972: 340), тузилмасида қўлланиши ҳолатини таҳлил қилсак, концептуал хусусиятларнинг кўчиши икки томонлама эканлиги кўринади. Бирикманинг иккинчи бўлаги *flu* луғатларда қуйидагича изоҳланади: *an infectious illness, causing a high temperature, painsand weakness* (OALDCE. 1995) ёки *an infectious disease which is like a bad cold but more serious* (LDELC. 1992). Келтирилган изоҳлар концептнинг “*касаллик*”, “*шамоллаш каби юқумли, лекин хавфлироқ*” каби хусусиятларини акс эттиради. Концептуал деривация жараёнида худди шу хусусиятлар “истиқболли” ҳисобланиб, *man* концепти хусусиятларига мослаштирилади (*man* лексемасининг луғатдаги изоҳи: “*an adult male human being*” – COED. 2006). Натижада *flu* сўзининг юқорида ажратилган хусусиятлари *flu* концептининг “*одам*”, “*эркак*” белгиларига хослашади. Кейинги босқичларда эса бундай мослашув “қуриб


битказиш” усулида бажариладиган когнитив амалнинг фаоллашувини тақозо этади, бунда одамларга хос бўлган касалликнинг хавфини “*ошириб кўрсатиш*” хусусияти инобатга олинади. Натижада *man flu* мураккаб концепти юқоридаги контекстда киноя мазмунини олиб, *a bad cold, mistakenly self-diagnosed by a man as the flu, whose seriousness is exaggerated* маъносини ифодалайди.

Қайд этиш жоизки, неологизм СБларининг деривацияда денотатив ҳудудларининг бир-бирига сингиши, қоришиб кетиши кузатилади. Тил тизимида кечадиган инновацион жараёнларнинг когнитив тавсифи воқеликнинг лисоний қиёфасини шакллантирувчи омилларни аниқлаш имконини беради. Компьютер соҳасига оид айрим СБларининг концептуал структураси шаклланишини таҳлил қилиб кўрамиз. Ахборот технологиялари (АТ) ҳудудига оид термин *information food chain* СБнинг концептуал асосини ахборот манбаларини озиқ-овқат занжири тугунларига ўхшатиш когнитив метафораси ташкил қилади. Интернет ахборот тўплашнинг асосий манбаи, аммо бошқа оммавий ахборот воситалари ҳам бу ўринда аҳамиятсиз эмас. Ахборот излаш жараёни ҳайвонларнинг “*озуқа излаши, топиши*” билан тавсифланса, ахборот излаш ҳаракати янгича мазмун олади, уни изловчи шахс бошқача тавсифланади, яъни у “*ахборот излашга кўп вақтини сарфлашга тайёр, ахборотга нисбатан талабчан хусусиятли шахс*”га айланади. Барча воситаларнинг жамланиши “ахборот озуқаси занжири”ни ташкил қилади. Ушбу таҳлил қилинган концептуал деривация жараёнида ахборот жамланиш тизимини қуйидаги схемада [illegible]мкин:




2.1-расм: Қисмларнинг ўзаро алоқаси (келтирилган мисоллар асосида)

“Информацион технологиялар” денотатив майдони доирасида инсон ва ҳайвон оламини[illegible]ни акс э[illegible]гнитив ф[illegible]андозасини ҳам тасвирлаш тавсия э[illegible]




2.2-расм: Инсон ва ҳайвонот олами концептуал деривацияси

Бундан ташқари, ахборот технологиялари концептосферасида яна бир бирлик мавжуд бўлиб, бу *data* концептидир, таҳлил жараёнида “*ахборот технологияси*” когнитив гуруҳи “*соғлом турмуш тарзи*” когнитив гуруҳи билан кесишади ва бундай кесишув самарасида *data hygiene* СБ ҳосил бўлади. Ушбу СБнинг когнитив тузилишида “*тоза сақлаш*” ғояси концептуаллашиб, “*маълумотларнинг аниқ бўлиши ва улардан фойдаланишнинг назарий ҳамда амалий принциплари*” маъносининг шаклланишига асос бўлади. “*Ахборот технологиялари*” ва “*соғлом турмуш тарзи*” концептуал ҳудудларининг кесишиши натижасида ҳосил бўлган ушбу СБнинг ҳосил қилувчи концептуал деривация жараёни қуйидаги йўналишда кечади:



2.3-расм: Концептуал деривация

Турли концептуал ҳудудларнинг кесишиши ва ўзаро чатишиб кетиши борасида келтирилаётган мисоллар денотатив майдонлар ҳаракатчанлиги, динамикасидан дарак беради. Концептуал деривация жараёнида турли денотатив ҳудудларга оид концептларнинг чатишиб кетишига яна бир мисол *helicopter parent* СБнинг ҳосил бўлишидир. Ушбу СБ таркибида "*учмоқ, айланмоқ*" ва "*ғамхўрлик кўрсатиш*" концептлари бирикади ва бу бирикиш концептуал метафора амалини талаб қилади. Чунки биринчи концепт *helicopter* "*вертолёт*" тушунчаси билан боғланса, иккинчиси эса, *parent* "*ота-она*" тушунчасига қиёсланади. Демак, *parent* сўзи ушбу контекстда "*ўз фарзандига жуда меҳрибон, фарзанди атрофида айланиб юрадиган ота-она*" мазмунини ифодалайди:



2.4-расм: Концептуал деривация

Шундай қилиб, турли таркибдаги СБларининг таҳлили улар воситасида воқеланадиган билим структурасининг шаклланиш шарт-шароитларини аниқлаш учун воқеликни концептуаллаштириш механизмлари ва амалларининг фаолият доирасини ўрганиш лозимлигини кўрсатди. Олдиндан мавжуд бўлган концептлар замирида янги концептуал тузилмаларнинг яратилиши мураккаб лисоний тафаккур фаолиятининг натижасидир. Шу сабабли янги номинатив бирлик – СБнинг ҳосил бўлиш жараёнини ўрганишда унинг компонентларининг семантик-структур хусусиятларини аниқлашдан кўра, инсон тафаккури, турли хусусиятлар, жараёнларни, бир-бирига яқинлаштириш даврида қандай йўналиш олишини аниқлаш муҳимдир. Бундай ёндашув нафақат концептуал деривациянинг натижаларини – мантиқий структурани, яъни бошланғич структурани ривожлантириш йўли билан шакллантирилган ҳосила концептни таҳлил қилиш, балки унинг "деривацион таърифини", бошқача айтганда, деривациянинг кечиш жараёнини, динамикасини кузатиш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда,сўз бирикмалари деривацияси жараёнида "концептуал метафора ва метонимия" амаллари фаоллашуви ушбу жараён кечишининг маълум шароитлари, уни ҳаракатга келтирувчи механизмларнинг ички ва ташқи манбалари билан

боғлиқ. Ушбу когнитив босқичда ўзаро бирикаётган концептлар бошқа бирор бир концепт билан қиёсланади ва уларнинг хусусиятлари бир бирига кўчади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тер-Минасова С.Г. Синтагматика функциональных стилей и оптимизация преподавания иностранных языков. - М., 1986.
2. Тер-Минасова С.Г. Словосочетание в научно-лингвистическом и дидактическом аспектах. – Москва: Высшая школа, 1982. – 144 с.
3. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. - Самарқанд, 1990. – 55 б.
4. Бабушкин А.П. Типы концептов в лексико-фразеологической семантике языка. - Воронеж: Изд-во ВГУ, 1996. - 103 с.